

## **“Электрон ҳукумат” тизими доирасида**

---

□ □□□□□□□□□□□ ҳукумат□ □□ тизими доирасида чора-тадбирларни ўз вақтида амалга ошириш, ахборот ресурслари билан идоралараро ўзаро ҳамкорлик соҳасида ягона давлат сиёсатини жорий этиши ва интерактив давлат хизматларини кенгайтириши бўйича давлат ва хўжалик бошқаруви органлари ишлари самарадорлиги пастлигининг сабаблари түргрисида.

**Ассалому алайкум муҳтарам Шавкат Миромонович,**

**Хурматли йиғилиш қатнашчилари,**

Вилоятда ахборот коммуникация технологияларини ривожлантириш, ахборот ресурслари билан идоралараро ўзаро ҳамкорлик соҳасида ягона давлат сиёсатини жорий этиши ва интерактив давлат хизматларини кенгайтириш бўйича кенг кўламли ишлар амалга оширилмоқда.

2016 йил давомида **85,7 км оптик толали** алоқа линияси тортилиб, кенг полосали Интернет тармоғидан фойдаланувчилар сони 20751 нафарга етказилди ва Интернет тармоғидан фойдаланувчилари сони 630 минг нафардан ортди.

Бундан ташқари, Ахборот кутубхона марказларида китобхонларни интернет тармоғидан фойдаланиш имкониятларини ошириш мақсадида 8,6 км узунликдаги оптик толали алоқа линияси тортилди.

Шунингдек, рақамли телевиденини ривожлантириш мақсадида DVBT-2 стандартида ишловчи 5 кВт қувватга эга бўлган узаткич ўрнатилиб ишга туширилди. Бунинг натижасида Андижон вилояти ахолисининг рақамли телевидение билан таъминлаш даражаси 80 фоиздан 85 фоизга етказилди.

2016 йилда вилоятдаги 38 та корхона ва ташкилотлардан 2390 нафар ходимлар компьютер саводхонлигини баҳолаш тизими бўйича аттестациядан ўтказилган бўлса, уларнинг 900 нафари аттестацияни муваффақиятли топшириши (42,2%).□

Вазирлар Махкамасининг 2014 йилги 73-сонли қарорига асосан Тошкент ахборот технологиялари университети Фаргона филиали билан ҳамкорликда 2016 йилда вилоятдаги давлат ва хўжалик бошқаруви, махаллий давлат хокимияти органларининг 230 нафар ходимлар ўкув курсларида ўқитилди.

Электрон ҳужжат айланишининг умумий кириш ва чиқиш корреспонденцияларидаги улуши 100 фоизни ташкил этиб, электрон рақамли имзога эга ходимлар сони 431 нафарга (*вилоят ҳокимлигига 94 нафар, шаҳар ва туман ҳокимликларида 337 нафар*) етказилди.

**Муҳтарам Шавкат Миромонович,**

Вилоятда ахборот коммуникация технологияларини ва интерактив давлат хизматларини ривожлантириш бўйича амала оширилган ижобий ишлари билан бир каторда айрим камчиликларга ҳам йўл қўйилди.

Жумлдан, 2016 йил давомида Ягона интерактив давлат хизматлари портали орқали жами 12572 та мурожаат келиб тушган бўлиб, унинг 390 таси муддати кечиктирилган ҳолда кўриб чиқилган.

*Мурожсаатчиларнинг жавоблардан қониққанлик даражаси 5 баллдан ўртacha 4,99 бални ташкил этади.*

*2015 йилда жами 8372 та мурожсаат келиб тушган бўлиб, унинг 546 таси муддати кечиктирилган ҳолда кўриб чиқилган.*

Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2013 йил

31 декабрдаги  Республикасида ахборот-коммуникация технологиялари ривожлантириш ҳолатини баҳолаш тизимини жорий этиш чора-тадбирлари тўғрисида  355-сон қарори бўйича вилоят ҳокимининг расмий веб сайти 80,5 балл билан баҳоланган

*2015 йилда 72,3 балга баҳоланган бўлиб, 2016 йил якуни билан 8,19 фоизга ўсии кузатилган.*

Ушбу камчиликни баратаф этиш мақсадида ахборот коммуникация технологиялари йўналишида йўл кўйилган камчиликлар чуқур таҳлил қилинди ва вилоят ҳокимлигининг расмий веб-портали тўлиқ тубдан янгиланди. Хусусан, 2016 йилнинг 15 декабрядан вилоят ҳокимининг виртуал қабулхонаси ишга туширилди.

### **Мухтарам Шавкат Миромонович!**

Ахборот ресурслари билан идоралараро ўзаро ҳамкорлик соҳасида ягона давлат сиёсатини жорий этиш ва интерактив давлат хизматларини кенгайтириш, ахборот коммуникация технологияларини ривожлантириш бўйича 2017 йилда куйидаги ишлар амалга оширилади.

**Биринчидан,** йил давомида 86 км оптик толали алоқа линияси тортиш;

**Иккинчидан,** 2017 йилнинг биринчи чораги давомида шаҳар ва туман ҳокимларининг веб сайтиларини тўлиқ ишга тушириш ва уларнинг виртуал қабулхонасини ташкил қилиш;

**Учинчидан,** вилоят, шаҳар ва туман ҳокимларни ҳамда тизимдаги ташкилотлар ходимларини Ахборот коммуникация технологиялари соҳасида билим ва малакаларини ошириш мақсадида ўқув курслари ташкил қилиш;

**Тўртинчидан,** вилоят, шаҳар ва туман ҳокимларни ҳамда вилоят ташкилотлари ўртасида тўлиқ электрон хужжат айланишини йўлга кўйиш.

### **Мухтарам Шавкат Миромонович,**

Юқоридаги мақсадлар ва бугунги йиғилишда олдимизга кўйилган барча вазифаларни сўзсиз бажаришга энг аввало, менинг бошчилигимда барча масъул вилоят раҳбарлари бутун салоҳият ва имкониятларимизни сафарбар этамиз деб Сизларни ишонтиришга руҳсат бергайиз.

**Ҳисоботим тугади.**